



Бу янгиланмайдиган архив саҳифа.

[Саҳифаларни архивлаштириш борасида маълумот \(инглиз тилида\)](#)

Собиқ британ элчиси Гулнора Каримованинг ўзига қарши даъволарини рад этди

Сўнги янгилаш 11 март 2013 - 14:55 GMT

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)



Крейг Мюррей элчилигида Ўзбекистондаги коррупция ва Гулнора Каримованинг роли ҳақида Лондонга ҳисоботлар ёзганини айтади Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримова 1 март куни Швейцариядаги уйига тўсатдан ташриф буюрган бир гуруҳ фаолларнинг ҳаракатларини ўзини ёмонотлиқ қилиш уринишларининг бир қисми, деб таърифлаган.

Интернетдаги блогда Каримова хоним, ўз таъбирича, "уйига бостириб борган" Мўтабар Тожибоева ҳамда бошқа "ўзини ҳуқуқ фаоли деб атайдиган кимсалар" устидан полицияга арз қилишга мажбур бўлганликларини айтган.

1 март куни Гулнора Каримованинг бир неча миллион долларлик деб ишониладиган Женевадаги уйига борган фаоллар унинг дабдабали ҳаёт тарзи ва Ўзбекистондаги аянчли аҳволга эътибор қаратмоқчи бўлишган.

"Каримова хонимнинг менга ҳужумидан сўнг унинг Швейцариядаги ҳашаматли уйдан янада кўпроқ ўзбеклар хабар топишди"

Крейг Мюррей

Ўтган ҳафта Швейцариянинг "Билан" журналида эълон қилинган суҳбатнинг тўлиқ варианты экани айtilган блогда Каримова хоним ўзининг Женевадаги уйига ташриф буюрган фаоллар орасида бўлган Британиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Крейг Мюррейга қарши қатор айбловларни илгари суради.

Унинг айтишича, британ элчиси МТСнинг қочувдаги директори Бекзод Аҳмедов билан таниш бўлган ва Аҳмедовга покстонлик ишбилармонларни таништириш орқали пул ишлаб қолишга уринган.

Би-би-си жаноб Мюррей билан боғланиб, Гулнора Каримова илгари сурган айбловларга муносабатини сўраган.

Крейг Мюррей: Йўқ, мен Бекзод Аҳмедов билан ҳеч қачон, ҳеч қаерда учрашмаганман.

Би-би-си: Гулнора Каримованинг даъво қилишича, сиз Бекзод Аҳмедовни хорижлик, жумладан, покстонлик бизнесменларга таништириб, улар имзолаган контрактлардан пул ишламоқчи бўлган экансиз?

Крейг Мюррей: (кулади). Ишонинг, ундай эмас. Агар шундай бўлганида ҳозиргача бу ҳақда ёзган бўлишарди. Мен Ўзбекистонни тарк этганимга қарийб ўн йил бўлди. Мен Тошкентдалигимда ҳеч қандай покстонлик бизнесменлар билан ҳам, жаноб Аҳмедов билан ҳам учрашмаганман.

Би-би-си: Ундай бўлса, нима учун Каримова хоним бу каби иддаоларни қилаяпти, деб ўйлайсиз?

Крейг Мюррей: Менимча, Гулнора чорасиз аҳволда қолган. Чунки одамлар унинг ноқонуний бизнеслари ва ўзбек халқидан тортиб олган бойликларининг миқдори ҳақида тобора кўпроқ маълумотга эга бўлишяпти. Мен унинг даъволарини бошқача изоҳлай олмайман. Бу каби аҳмоқона ёлғонларни фақат чорасиз одамгина гапирди. Мен тахмин қиламанки, Гулнора Каримова бизнинг Женевадаги ҳашаматли уйига бориб, унинг қимматбаҳо уйи борлиги ҳақидаги фактга жамоатчилик эътиборини қаратишга уринганимиздан норози.

Би-би-си: Каримова хонимнинг ўзи бу ташрифингиз ҳақида жуда батафсил ҳикоя қилган ва сиз билан борган Мўтабар Тожибоева ҳамда бошқа фаолларни жиддий иши ва машғулотли бўлмаган, фақат олган пулларини оқлашга тайёр "дастак гуруҳи" деб таърифлаган. Бунга нима дейсиз?

Крейг Мюррей: Мен ҳеч кимдан бир тийин олмаганман. Каримова хонимнинг гаплари нафақат куракда турмайдиган, балки ақлга тўғри келмайдиган гаплар. Чунки унинг биронта гапи тўғри эмас. Мен бутун умр иш билан банд бўлганман. Аммо албатта, бу ҳақда Гулнора Каримовага ҳисобот беришим керак, деб ўйламайман.

Би-би-си: Нима учун Каримова хоним, узоқ жимликдан сўнг айнан ҳозир МТС борасидаги сукутини бузди, деб ўйлайсиз?

Крейг Мюррей: Сўнги пайтларда телеком можароси билан боғлиқ жуда кўп нарсалар юзага чиқди. Швеция телеком ширкатининг раҳбари истеъфо беришга мажбур бўлди. Каримованинг ноқонуний фаолияти ҳақида янада кўпроқ маълумотлар ошкор бўлаяпти. У эса бу фактларга қарши туриш учун тарғибот мақсадларига катта куч сарфляяпти, аммо фойда бўлмаяпти. Каримова хонимнинг менга ҳужум қилгани унинг Швейцариядаги ҳашаматли уйдан янада кўпроқ ўзбеклар бохабар бўлишига олиб келади, холос.

Би-би-си: Аммо Гулнора Каримова бу гапларнинг ҳаммаси асоссиз даъволар экани, ҳеч қандай факт йўқлигини урғуламоқда...

Крейг Мюррей: Биласизми, бу нарсалар бундан 10 йил олдин ҳам ҳаммага маълум эди. Хорижий ширкатлар фақат Гулнора Каримованинг руҳсати билан Ўзбекистонда фаолият олиб боришган. Телеком соҳасида ёки олтин қазиб чиқариш бўйича лицензияга эга бўлишнинг ягона йўли Гулнора ёки унинг одамларига чиқиш эди. Ўтган 10 йилда унинг бизнесга аралашуви ва Ўзбекистондаги вазият фақат ёмон томонга ўзгарди, холос.

Би-би-си: Сизнинг ўзингиз элчилик тажрибангизда шунга ўхшаш бирон аниқ ҳолатга дуч келганмисиз?

Крейг Мюррей: Бўлмасам-чи!. Бир неча ширкатлар Гулнора Каримова томонидан тортиб олинганига гувоҳ бўлганман. Улардан биттаси, шубҳасиз, Oхus Gold эди. Мен Британия элчиси сифатида Ўзбекистондаги коррупция ва Гулноранинг бизнесдаги роли ҳақида Лондонга жуда кўп ҳисоботлар йўллаганман.

[бу ерга босинг](#) [Бош саҳифага қайтиш](#)

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)

Биз билан боғланинг

* Тўлдириш шарт бўлган жойлар

Сизнинг муносабатингиз:

Сиз билан боғланиш учун контакт деталлари:

Исм-шариф: Шаҳар: Email: * Телефон:

Сизнинг номангиз:

Шарҳ * (Кўпи билан 500 белги)

Рад этиш:

Мен дастур тайёрловчиларнинг мен билан боғланишларига розиман

Ушбу мавзуга оид кўпроқ материаллар

Яна ушбу мавзуга оид

[Гулнора Каримова Ўпан журналичига тўла интервьюсини эълон қилди](#)

11.03.13

[Гулнора Каримова](#)

[Гулнора Каримова: Бехзод Аҳмедов бизнинг танишлигимиздан фойдаланган](#)

08.03.13

[Гулнора Каримова ўзига қарши танқидларга илк бор Фарб матбуотида жавоб қайтарди](#)

08.03.13

[Ўзбекистон](#)

Видео ва аудио



[Туркия, Туркия - 'азамат ўлка'!](#)




[Номаълум асирлар тарихи-видео](#)

[Томоша қилиш07:29](#)



['Талаба йигит пешонамга ватан хоини деб ёзиб қўйганди'](#)

[Томоша қилиш11:41](#)



['Хуррият 2014': 'Ватандан йироқда туриб ҳам унда яшаш мумкин'](#)

[Томоша қилиш07:17](#)



[Фарб киночилари панжасига панжа ураётган ўзбек қизи](#)

[Томоша қилиш07:50](#)



[Афғонистон ўзбеклари мусиқаси Парижда](#)

[Томоша қилиш07:14](#)



[Фарғона тонг отгунча...](#) [Томоша қилиш](#)17:45



[Бу дунёнинг 'қилқўприги' қаерда?](#) [Томоша қилиш](#)01:57



[Нимага эришдик? Тунислик рэппер инқилобни савол остига олади](#) [Томоша қилиш](#)04:04



[Эркин Аъзам бугунги ўзбек адабиёти ва санъати ҳақида](#) [Томоша қилиш](#)05:20



[Икки қатағон анатомияси: Шукрулло ва М.Маҳмудов](#) [Томоша қилиш](#)18:02



[Қуръони Карим маънолари ўзбек тилига шеърий таржима қилинди](#) [Томоша қилиш](#)17:23



[М.Маҳмудов: Қамоқда мени ёзувчилигим асраб қолди](#) [Томоша қилиш](#)04:51



[Тожиклар нега Хитойга юзланишмоқда?](#) [Томоша қилиш](#)01:45



[Аёл, аҳволинг қандай? Би-би-си лойиҳаси](#) [Томоша қилиш](#)02:56



[Бойга боққан бозор ё ялтир-юлтирлар дунёси](#) [Томоша қилиш](#)02:29



[Бир миллион долларни осмондан сочишди](#) [Томоша қилиш](#)00:49



[Видео: Татуировканинг маъноси борми?](#) [Томоша қилиш](#)05:41

Муҳаррир танлови



[Осиё Ҳийнлари: Ғалаба онлари](#)



[Ўзбек ҳукумати четга чиққанлардан воз кечишга тайёр](#) [Тинглаш](#)11:50



[Гулнора Каримованинг вакили: Ўзбекистонда қонунлар ишламаяпти](#)



[Хомид Карзайнинг ўтган 13 йиллик бошқарув даври суратларда](#)



[Бош прокуратура: 'Г.Каримова ишининг Оврўлодаги текширувга алоқаси йўқ'](#)



[Муҳолифатчи аёли: "Мени ўзбек фуқаролигидан чиқариб юборишибди"](#)

[Тинглаш03:52](#)



[Исломий партия: 'туҳмат' кампаниясидан азиятдамиз](#)

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

[Би-би-си Ўзбек Facebookда](#)

[Like](#)

[Би-би-си Ўзбек Twitterда](#)

[Follow](#)

[Би-би-си Ўзбек YouTubeда](#)

[Обуна бўлинг](#)

[Би-би-си Ўзбек Мой мирда](#)

[Like](#)

[Бош саҳифа](#)

[Ўзбекистон](#)

[Минтақа](#)

[Дунё](#)

[Мултимедиа](#)

[Спорт](#)

[Фан ва Маданият](#)

[Махсус лойиҳа](#)

[Lotinda](#)

[اوقا ئىستان](#)

Хизматлар

[RSS](#)

[Мобил Телефонлар](#)

[E-MAIL ЯНГИЛИКЛАР](#)

[Сизнинг ижодингиз](#)

Бошқа Би-би-си сайтлари

[BBC Russian](#)

[BBC Azeri](#)

[BBC Kyrgyz](#)

[BBC Turkish](#)

[BBC Tajik](#)